O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
BO`KA TUMANI HOKIMI
QARORI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
БЎКА ТУМАНИ ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

Bo'ka shahri. A.Qodiriy kochasi 1 uy. Tel: 0-370-57-35-460: faks 0-370-57-36-473

"03" 01 2017 йил 7 -сон Бўка тумани

Бўка туманининг 2017 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 28 октябрдаги 618-III-сон "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 13 декабрдаги СҚ-122-III-сон "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2016 йил 31 декабрдаги 380-сон "Тошкент вилоятининг 2017 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги ҳамда Халқ депутатлари Бўка тумани кенгашининг 2016 йил 29 декабрдаги XXIV/I-сон "Бўка туманининг 2017 йилги маҳаллий бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети

параметрлари тўғрисида"ги ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 2016 йил 31 декабрдаги 380-сон "Тошкент вилоятининг 2017 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорларига асосан:

а) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига солиқлар ва йиғимлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар, шунингдек бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида нормативларга мувофиқ тақсимланадиган ягона ижтимоий тўлов ҳамда фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари ставкалари миқдори 2017 йил учун тасдиқланганлиги;

б) мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга солиқ солиш шартномада белгиланган ижара тўлови суммасидан келиб чиққан ҳолда, лекин:

юридик шахслар учун - давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларидан;

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун - белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган суммадан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилиши;

в) 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб уяли (мобил) алоқа хизмати кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов ҳақи ойига 2000 сўм миқдорида белгиланганлиги;

г) ягона солиқ тўловидан тушумлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган миқдорларда тақсимланиши;

д) солиқ тўловчиларнинг мол-мулки ҳисобидан ундиришга қаратилган солиқ бўйича қарзларнинг энг кам миқдорлари тасдиқланганлиги;

е) 2017 йил учун ота-оналардан олинадиган тўлов миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан

молиялаштириладиган болалар мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ўрнатилганлиги;

ё) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидаги маҳаллий бюджетлар улушини кўпайтириш, барча даражадаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришда жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларининг роли, мустақиллиги ва масъулиятини кучайтириш, ҳудудларнинг молиявий таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида маҳаллий бюджетлар даромадларига қуйидаги умумдавлат солиқлар ва бошқа даромадлар, яъни:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолиятини айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;

якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи;

чакана савдо тармоқларида сотиладиган олтиндан тайёрланган заргарлик буюмларига акциз солиғи;

тегишли давлат божлари, йиғимлар ва жарималар бўйича тушумлар тўлиқ ҳажмда ўтказилиши;

шунингдек, уяли (мобил) алоқа хизмати кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов ҳақидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми абонентнинг рўйхатга олинган манзили бўйича бюджет ҳисобига ўтказилиши раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2017 йилнинг 1 январидан:

Тошкент вилояти Бўка тумани маҳаллий бюджетининг 2017 йилги асосий параметрлари 1-иловага;

туманда юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)дан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2-иловага;

юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 3-иловага;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 4-иловага;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 5-иловага;

маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг чегараланган ставкалари 6-иловага;

туманда ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи ставкалари 7-иловага;

туман маҳаллий бюджетининг 2017 йилги белгиланган даромадлар ва харажатлар тақсимоти 8-иловага;

2017 йил учун туман бюджетининг даромадлар ва харажатлар ҳажмлари 9-иловага;

туман бўйича 2017 йилда умумдавлат солиқларидан кутилаётган тушумларни маҳаллий бюджетга ажратмалар меъёри 10-иловага мувофиқ;

туман бўйича 2017 йилда маҳаллий солиқлардан кутилаётган тушумларни туман бюджетига ажратмалар меъёри 11-иловага;

туман бўйича 2017 йилда туман маҳаллий бюджети айланма касса маблағининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 12-иловага;

3. Туман Давлат Солиқ Инспекцияси:

2017 йил I чораги якунига қадар туман бюджети даромадлар базасини ошириш, туманда тушумларнинг қўшимча заҳираларини аниқлаш ҳамда солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича таклифларни;

ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 санасига қадар тегишли бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш бўйича дастурлар ижроси ҳамда даромадлар базасини ошириш бўйича тадбирлар натижалари тўғрисидаги чораклик ахборотни туман ҳокимлигига киритсин.

4. Туман бюджети даромадлари ҳисобига келиб тушиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар туман бюджети параметрларида кўзда тутилмаган харажатларга йўналтирилиши мумкин эмаслиги белгилансин.

5. 2017 йилнинг 1 январидан:

Туман бўйича давлат бюджети даромадларининг умумий режа кўрсаткичлари ўсиб борувчи тартибда бажарилган шартларда туман бюджети даромадларини белгиланган режадан ошириб бажарилган қисми тегишли бюджетларда тўлиқ қолдирилиши;

бюджет ижроси жараёнида туман молия бўлими томонидан бюджет ташкилотларининг 4-гуруҳ харажатлари бўйича мақбуллаштирилган бюджет маблағлари, белгиланган тартибга асосан фойдаланиш мақсадида вилоят маҳаллий бюджетининг заҳира жамғармасини оширишга йўналтирилиши;

давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан маҳаллий бюджетга тушадиган маблағлар тўлалигича тасдиқланган бюджет параметрларидан ташқари харажатларни қоплашга йўналитирилиши ҳамда ҳисоби алоҳида ғазна ҳисобварақларида юритилиши;

давлат мулкларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар туман ҳокимининг қарорига асосан туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тадбирларини молиялаштириш учун йўналтирилиши бўйича тартиб белгиланганлиги рахбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

6. Қуйидагилар:

туман бюджети ўртасида харажатларни тенг тақсимлаш мақсадида,

ижтимоий нафақа тўловлари - уларни нафақа олувчиларнинг яшаш манзиллари бўйича тайинлаш ва тўлаш тартибини сақлаб қолган ҳолда;

Давлат санитария-эпидемиология назорат марказларини сақлаш харажатлари;

хўжаликлараро қишлоқ автомобил йўллари, шаҳар кўчалари, туман марказлари, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктлари автомобил йўлларини капитал ва жорий таъмирлаш дастурларини амалга ошириш харажатларини молиялаштириш туман бюджетидан вилоят бюджетига ўтказилганлиги;

2017 йил 1 январдан хафталик ўқув юкламалари:

болалар мусиқа ва санъат мактабларида бошланғич синфлар учун 22 соатдан 24 соатга ҳамда юқори синфлар учун 18 соатдан 20 соатга;

болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мураббийлари учун 24 соатдан 26 соатга;

“Баркамол авлод” марказлари тўгарак раҳбарлари учун базавий тариф ставкаларини 15 фоизга оширган ҳолда 18 соатдан 24 соатга ошганлиги раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

7. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни тайинлашда адолатлилик тамойилини сақлаб қолиш мақсадида янгидан ишга қабул қилинган ёки 12 ойдан ошиқ танаффусдан сўнг мехнат фаолиятини қайта тиклаган ходимга хомиладорлик ва туғиш нафақасини хақиқатда ишлаган давридан келиб чиққан ҳола дифференциаллашган миқдорда:

ишга қабул қилинган кундан бошлаб 6 ойгача – хомиладорлик ва туғиш бўйича мехнат таътили даврига ўртача иш ҳақининг 50 фоизи ҳисобидан;

ишга қабул қилинган кундан бошлаб 6 ойдан 12 ойгача – хомиладорлик ва туғиш бўйича мехнат таътили даврига ўртача иш ҳақининг 75 фоизи ҳисобидан;

ишга қабул қилинган кундан бошлаб 12 ойдан юқори – хомиладорлик ва туғиш бўйича мехнат таътили даврига ўртача иш ҳақининг 100 фоизи ҳисобидан тайинланиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

8. Бўка тумани ҳокимлиги Молия бўлимига 2017 молия йили давомида:

Тошкент вилояти Молия бошқармаси билан келишилган ҳолда, Молия бошқармасининг билдиришномалари ёки ёзма билдиришлари асосида Бўка тумани маҳаллий бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмига қонунчиликда белгиланган тартибда ўзгартириш киритиш;

тегишли бюджет ссудалари (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутига) ажратишда уларнинг миқдорларини туман бўйича ундириладиган барча солиқлар ва тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек бюджетнинг биринчи навбатдаги харажатларини (иш ҳақи ва унга ажратмалар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг) маблағ билан сўзсиз таъминланиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш ҳуқуқи берилсин.

9. Туман ҳокимлиги Молия бўлими, Туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси, Тумандаги тегишли банклар билан биргаликда 2017 йилнинг январь ойида, ўтказилган операцияларни 2016 йилги туман маҳаллий бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирган ҳолда, 2016 йилги Бўка тумани маҳаллий бюджети ижроси бўйича, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, якуний операциялар ўтказсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсатгичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори 24-бандини амал қилиши 2018 йилнинг 1 январигача узайтирилгани ижро ва маълумот учун қабул қилинсин.

11. Маълумот учун қабул қилинсинки, 2016 йил давомида Ўзбекистон Ресбубликаси Молия вазирлиги томонидан етказилган даромадларнинг прогноз кўрсакичига асосан, туман бюджети даромадларининг аниқланган режа кўрсаткичлари мазкур қарорнинг 13-иловасига мувофиқ аниқлаштирилди.

12. Тошкент вилояти Бўка тумани ҳокимининг 2016 йил 14 январдаги "Бўка туманининг 2016 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 36-сон ҳамда 2016 йил 8 октябрдаги "Бўка туманининг 2016 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисидаги 36-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 990-сон қарорларини 2016 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий нашрларида эълон қилиниши таъминланган ҳолда 2017 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга киради.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари М.Суннатуллаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **М.Куччиев**